

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Жаҳонгир Максумов

Тошкент давлат юридик университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола мавзуси постпандемия даврининг долзарб муаммоларидан бири – масофавий таълимнинг аҳамияти ва унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириши, бу борадаги жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистондаги вазият таҳлилига қаратилган.

Калит сўзлар: таълим, масофавий таълим, қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий мақом, қонунчилик, ҳуқуқий механизм.

АННОТАЦИЯ

В статье осуществлен анализ текущего состояния дистанционного образования в Узбекистане и его значимость а также необходимых мер по совершенствованию организационно-правовых механизмов исходя из международного опыта в данной сфере.

Ключевые слова: образование, дистанционное образование, закон, право, правовой статус, законодательство, правовой механизм.

ABSTRACT

The article analyzes the current state of distance education in Uzbekistan and its significance, as well as the necessary measures to improve organizational and legal mechanisms based on international experience in this area.

Keywords: education, distance education, law, right, legal status, legislation, legal mechanism.

КИРИШ

Ахборот-коммуникация технологиялари жамият ҳаётининг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаётган бугунги кунимизда таълим тизими, хусусан, масофавий таълимнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифалар сирасига киради. Бу жараён, ахборот технологиялари соҳасида таълим стандартларининг ошиши, миллий телекоммуникация тармоқларининг модернизациялашуви, ҳуқуқий базанинг шаклланиши натижасида вужудга келади. Бошқача айтганда, рақамли инфратузилмани ривожлантириш учун жамиятнинг маълум даражадаги

информацион тайёрлиги, мустаҳкам ҳуқуқий асослар мавжудлиги талаб этилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамили иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришни кўзда тутувчи 4.4. бандида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш ва таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари белгилаб берилди¹.

Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофик, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқилиб, таълим жараёнини замонавийлаштиришга оид қоидалар белгиланди². Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармонининг қабул қилиниши, мазкур Фармоннинг 2.5. бандида ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари, шу жумладан, масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиши технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, онлайн курслар учун платформалар ишлаб чиқиш каби чора-тадбирлар ўз ифодасини топган³.

2019 йил охирида пайдо бўлиб, 2020 йилда бутун дунё мамлакатларини қамраб олган COVID-19 пандемияси консерватив соҳа ҳисобланадиган таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

² <https://www.lex.uz/acts/3107036>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон.

тизимини ҳам янги шароитларга тезкор мослашишга ва ўзгача тартиб-қоидалар бўйича иш олиб боришга мажбур қилди. Айтиш мумкинки, глобал пандемия масофавий таълим тизимида туб бурилиш даврини бошлаб берди.

Халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), ҳамда Жаҳон банки ушбу пандемияни ўрта, маҳсус ва олий таълимнинг форс-мажор вазиятларга тайёргарлигини текширувдан ўтказаётган ҳолат деб баҳолашмоқда⁴. Бунинг сабаби, жаҳондаги барча таълим муассасалари янги форматга ўтиб, оммавий тарзда масофали ўқитиши тажрибасини қўллашга мажбур бўлишиди. Ўз ўрнида, бу бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Биринчидан, интернет технологияларидан фойдаланиш учун ўқитувчи ва талабаларда рақамли саводхонликнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, интернет тезлигининг пастлиги, учинчидан эса, баъзи мамлакатларда интернетга уланиш имкониятининг камлиги ёки аҳолининг аксарият қисми учун деярли йўқлиги ва тўртинчидан, аксарият таълим оловчиларда масофавий ўқиши учун техник воситаларнинг (компьютер, ноутбук, гаджетларнинг) мавжуд эмаслиги. Шубҳасиз, бундай ҳолат таълим сифатига салбий таъсир этмасдан қолмади, техник носозликлар ва бошқа омиллар ўқув жараёнода узилишларга олиб келди⁵.

Масофавий таълим тушунчасига турлича таъриф бериш мумкин.

Тадқиқотлар таҳлили шуни қўрсатадики, аксарият муаллифлар масофавий таълим ёки масофавий ўқитиши деганда масофадан туриб бериладиган таълим шаклини тушунадилар, яъни бунда таълим оловчи ва таълим берувчи орасидаги муайян масофага ургу берадилар⁶.

Жумладан, россиялик олим А. Зубов “масофавий таълим – ўқув жараёнини ташкил этишининг шундай шаклини, у ўзида анъанавий ва таълимнинг янги технологияларини жамлайди, билимларни мустақил ўзлаштириш тамойилларига асосланади,”⁷ деб таъриф беради.

Академик С.Ғуломов таърифича, “масофавий таълим – масофавий ўқитиши жараёни амалга ошириладиган тизим бўлиб, у таълим оловчининг кейинги

⁴ <https://en.unesco.org/news/one-five-learners-kept-out-school-unesco-mobilizes-education-ministers-face-covid-19-crisis>

⁵ Фойдали карантин: COVID-19 пандемияси олий таълим тизимини қандай ўзгартиради? [May 18, 2020.](https://uzanalytics.com/jamiyat/7460/) <https://uzanalytics.com/jamiyat/7460/>

⁶ Волкова А. Н. Специфика языкового дистанционного обучения // Иностранные языки в высшей школе: проблемы, опыт, перспективы: материалы межвузовского научнометодического семинара. Чита. 13 марта 2001 г. Чита: ЗИП Сиб УПК, 2001. С. 30 – 35.

⁷ Зубов А.В., Зубова И.И. Информационные технологии в лингвистике. М.: Академия, 2004. — 208 с. <https://www.twirpx.com/file/690994/>

ижодий ва меҳнат фаолиятининг асоси бўладиган муайян таълим даражасига эришиш ва тасдиқлаш мақсадини амалга оширади⁸.

Умумий тарзда айтганда, масофавий таълим масофавий ўқитиш жараёни амалга ошириладиган тизим бўлиб, таълим олувчи томонидан таълим даражасига эришиш ва уни тасдиқлаш учун амалга оширилади. Масофавий таълимнинг кенг оммалашиб бораётганинг сабаби шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин.

Масофий таълимнинг ибтидоий шакллари тарихи жуда узок даврларга бориб тақалса-да, унинг классик кўриниши XX асрнинг 80-90-йилларида АҚШда ривожлана бошлаган. Бунга аҳоли муайян қатламларининг баъзи сабабларга кўра олий таълимни масофадан туриб олишга бўлган хоҳиш ва талабларининг ортиши кўрсатилади. Одатда, мазкур категориядаги шахсларни ўрта мактабни тугаллагандан сўнг ишлаб чиқариш корхоналарига бориб ишлашга мажбур бўлган ишчилар гурӯхи ташкил этарди. Шунингдек, вақтинчалик ишга лаёқатсизлар ҳамда бевосита ногиронлар ҳам ушбу гурӯхни ташкил этган. Дастреб АҚШ да масофавий таълимнинг камчиликлари яққол кўзга ташланган бўлса-да, ахборот-технологияларининг ривожи бу камчиликларни бартараф этиш имкониятини бера бошлади.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра бутун дунёда таълим олиш истагида бўлганлар сони таълим муассасаларидаги ўринлар сонига нисбатан кўп ва тахминларга кўра, 2025 йилга келиб талabalар сони 165 миллиондан яна 98 миллион нафарга ошади¹⁹.

Пандемияга қадар масофавий таълим юртимизда асосан малака ошириш тизимида қисман қўлланаётган эди. Умуман олганда, мамлакатимизда аксарият олий ўқув юртлари дарсларни масофавий шаклда ўтказишга қисман тайёр эди. Олий таълим муассасалари платформаларида Moodle тизими шакллантирилиб, унга барча ўқув предметлари бўйича электрон ресурслар жойлаштирилган эди. Аммо, бу тизим бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олмайэди. Қолаверса, пандемия сабаб нафақат олий таълим, ўрта маҳсус таълим, ҳалқ таълими, мактабгача таълим тизимлари ҳам масофавий таълим усулига ўтишига тўғри келди. Президентимизнинг аниқ топшириқлари асосида кўрилган чоралар натижасида оғир пандемия шароитига қарамасдан таълим тизимига масофавий технологиялар жорий қилиниб, 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн

⁸ Гулямов С.С. и др. Дистанционное экономическое образование. Т.: “Шарқ”, 2004 г. С. 124.

⁹ Царапкина Ю.М., Миронов А.Г., Кирейчева А.М. Потенциал использования и перспективы развития дистанционного обучения Современные исследования социальных проблем 2017, Том 8, № 7 • <http://ej.soc-journal.ru>

дарс бериш йўлга қўйилди. Ўтган қисқа вақт ичида масофавий таълимнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш, қонунчилик ҳолатини таҳлил этиш зарурати англаб етилди. Шу боис, мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давлат ва жамият учун муҳимлигини инобатга олган ҳолда, масофавий таълимни хуқуқий тартибга солиш масалаларини тизимли ўрганиш баробарида, юридик фан ва амалиёт нуқтаи назаридан асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши долзарб вазифа ҳисобланади. Сўнгги йилларда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли 2020 йилнинг 23 сентябр санасида “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда масофавий таълим шаклида ўқитиши ҳам ўрин олган. Мазкур Конуннинг 16-моддасида “Масофавий таълим ўкув режалари ва ўкув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган. Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹⁰.” дейилган.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига кўра, республикамиздаги мавжуд ОТМлар масофавий ўқитиши технологияларини яратиш ва ишга тушириш юзасидан ишларни жадаллаштирган. Пандемия сабабли мамлакатимиздаги барча университетлар масофавий таълимни йўлга қўйиш бўйича муайян даражада тажриба орттириди ва бу борада ишлар давом эттирилмоқда. Онлайн дарс жараёнининг иштирокчиларида анъанавий ва масофавий таълим турларини солиштириб кўриш имконияти пайдо бўлди. Пандемия сабаб жорий қилинган карантин даврида масофавий таълим бўйича олинган тажриба келгусида таълимнинг бу турини такомиллаштириш учун асос бўлиши керак. Бунинг учун эса мавжуд хуқуқий-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш талаб этилади. Хусусан, айни пайтда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига масофавий таълим шаклларига оид нормалар киритилиши зарур.

Мамлакатимизда масофавий таълимни жорий қилиш ва тартибга солиш билан боғлиқ амалдаги яна бошқа норматив хужжатлар қаторига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сонли Қарори билан тасдиқланган

¹⁰ <https://lex.uz/docs/5013007>

“Олий таълим муассасасида сиртқи (максус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида” Низомни ва Олий ва ўрта максус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғини киритиш мумкин. Олий ва ўрта максус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига қўра, республикамиздаги мавжуд олий таълим муассасалари масофавий ўқитиш технологияларини яратиш ва ишга тушириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда барча ОТМ лари масофадан туриб дарс жараёнини олиб бориш имкониятига эга. Битирув-малакавий ишлар ҳимояси, давлат имтиҳонлари, назорат ишлари ҳам масофавий шаклга ўтказилмоқда. Бироқ таҳлиллар айrim профессор-ўқитувчиларнинг тажриба ва кўникмаси, ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси талабга тўлиқ жавоб бермаётгани, айrim ҳолатларда талабаларда ҳам масофавий таълим олиш кўникмаси мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Соҳадаги муаммоларга ечим топиш учун аввало, масофавий таълимга доир ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, масофавий таълим бўйича ягона концепция ишлаб чиқиш лозим. Концепцияда таълимнинг мазкур шаклига доир илмий асослар, инновацион ёндашувлар ўз ифодасини топиши, илгор хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

REFERENCES

1. Волкова А. Н. Специфика языкового дистанционного обучения // Иностранные языки в высшей школе: проблемы, опыт, перспективы: материалы межвузовского научнометодического семинара. Чита. 13 марта 2001 г. Чита: ЗИП Сиб УПК, 2001. С. 30 – 35.
2. Зубов А.В., Зубова И.И. Информационные технологии в лингвистике. М.: Академия, 2004. — 208 с. <https://www.twirpx.com/file/690994/>
3. Гулямов С.С. и др. Дистанционное экономическое образование. Т.: “Шарк”, 2004 г. С. 124.
4. Царапкина Ю.М., Миронов А.Г., Кирейчева А.М. Потенциал использования и перспективы развития дистанционного обучения Современные исследования социальных проблем 2017, Том 8, № 7 • <http://ej.soc-journal.ru>